

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 92-ҳадис

92 – عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: سُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ صَوْمِ يَوْمِ عَرَفَةَ؟
قَالَ: «يُكْفَرُ السَّنَةَ الْمَاضِيَةَ وَالْبَاقِيَةَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулulloх соллalloху алайҳи васалламдан арафа куни, яъни зулҳижжа ойининг тўққизинчи кунида тутиладиган рўза ҳақида сўралди. У зот: **«Ўтиб кетган ва қолган йилдаги гуноҳларга каффоратдир»**, дедилар”.

Имом Муслим ривоятлари.

Фойда: Ҳаждаги кишиларга бу кунда рўза тутиш маҳбуб эмас. Чунки талбия, зикр ва дуо қилишдан сусайтириб қўяди.

Шарҳ: Мусулмон киши нафл рўзада улкан савоблар борлиги учун ушбу амални бажаришга киришади. Нафл рўзалардан бири –Ашуро (ўнинчи) кунининг рўзасидир. Ушбу кундаги рўза пайғамбарларнинг орасини боғлаб туради. Пайғамбар алайҳиссалом одатдагидек бу ишда ҳам яҳудий ва насороларга хилоф қилиб, Ашуро рўзасига яна бир кун Тасуъо (тўққизинчи кун) рўзасини қўшдилар. Бундан мақсад, нафл ибодатни адо этишда яҳудий ва насороларга ўшаб қолмасликдир. Ашуро кунида Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни Фиръавндан халос этди. Яҳудийлар шунинг учун Ашуро куни рўза тутардилар. Пайғамбар алайҳиссалом уларни ҳам Ашуро куни рўза тутишларини билгач: "Биз Мусо алайҳиссаломга улардан кўра яқинроқмиз", дедилар ва Ашуро куни рўза тутиб, қўшимча қилиб, тўққизинчи кунги Тасуъони зиёда қилдилар. Шундай экан, бу хусусда Пайғамбаримизнинг суннатига эргашишимиз афзал иш бўлади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ашуро куни рўзасининг аҳамияти.
2. Пайғамбар алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломни қадрлаганлари ва эҳтиром кўрсатганлари.
3. Набий соллalloху алайҳи васаллам агар келгуси йилгача яшасалар, муҳаррам ойининг ўнинчисидаги Ашурога қўшиб, тўққизинчи кунги

Тасуъо рўзасини тутишни ният қилганлар. Ҳадисда: **"Аҳли китобларга хилоф қилинганлар, (Ашуродан) бир кун аввал ва бир кун кейин рўза тутинганлар"**, деб айтилган. (Имом Муслим ривояти).

4. Арафа, Ашуро ва Тасуъо кунлари рўзасини тутиш фазилати улкандир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI